



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 30 сентябрь, № 205 (8548)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА GERMANYA ЕТАКЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Берлин шаҳрига борди.



Давлатимиз раҳбари Германияга амалий ташрифи доирасида 29 сентябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Учрашувда конструктив сийёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни, шу жумладан, Европа Иттифоқи дастурлари доирасида таъминлашнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида "Марказий Осиё — Германия" форматидagi ҳамкорлик истиқболларига алоҳида тўхтади. Амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларига, энг аввало, юксак технологиялар ва инновацион ривожланиш, транспорт коммуникациялари,

"яшил" энергетика, касбий таълим, фаол маданий ва академик алмашинувларга алоҳида эътибор қаратилди.

Германиянинг етакчи компания ва банклари Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтираётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ёшларимизда немис тилига қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди — бугунги кунда юртимизда уни қарийб 300 минг нафар мактаб ўқувчилари ва талабалар ўрганмоқда.

Сўхбатда Германия Федерал Президенти Ўзбекистон етакчиси Берлин шаҳридаги дунёга машҳур Жеймс Симон галереясида ноёб маданий-тарихий кўргазма муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади. Бир неча ой ичида кўргазмага 200 минг нафар берлинликлар ва Германия пойтахти меҳмонлари ташриф буюрди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг икки томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, инновация ва технологиялар, "яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика, транспорт ва логистика, таълим ва

маданият соҳаларида ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил май ойида Германияга амалий ташриф давомида ўтказилган сермахсул музокараларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, жумладан, "Марказий Осиё — Германия" форматда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц раислигида ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни

кенгайтириш, "яшил" энергетикани ривожлантириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш истиқболлари, табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда барқарор ва изчил минтақавий тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари "Марказий Осиё — Германия" формати очиқ мулоқот ҳамда минтақа мамлакатлари ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги кун тартибини шакллантириш учун самарали майдонга айланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда бугунги минтақавий ҳамкорлик даражасига юксак баҳо бериб, Ўзбекистон яхши кўшничлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш сийёсатини огишмай амалга ошираётганини қайд этди.

Минтақа мамлакатлари мустақилликнинг илк кунлариданоқ амалий кўмак қўратибди Германия муҳим ўрин тутиб келаётгани юқори баҳоланди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимиз муҳим трансформация босқичида турибди, Янги Ўзбекистон — инсон манфаатлари олий қадрият бўлган демократик давлатни барпо этиш йўлидан бормоқда. Мамлакатимизни 2030 йилга қадар

ривожлантириш бўйича узоқ мuddатли стратегия қабул қилинган ва ундаги юксак мақсадлар халқро ҳамкорларнинг салоҳиятини жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Узоқ мuddатли ҳамкорликнинг умумминтақавий аҳамиятга эга устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Булар — инвестициявий, инновациявий ва технологик алоқалар ва алмашинуви ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, "яшил" кун тартибини илгари суриш, Германия стандартларига мувофиқ турли тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш, Афғонистон аҳолисига гуманитар ёрдам қўратиш.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари Германия томонининг Марказий Осиё ва Германия ўртасида стратегик минтақавий шерикликни йўлга қўйиш, ушбу форматда мунтазам учрашув ва маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!  
Аввало, сизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонқуяр ходимлари ва фахрийларини умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун биз мамлакатимизда миллий, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўз қобилияти ва истеъдодини, билим ва тажрибасини рўйбга чиқара оладиган ижтимоий давлат барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда барча куч ва имкониятларимизни ёшларимизнинг интеллектуал ва жисмоний камолоти, уларнинг сифатли таълим олиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун сафарбар этмоқдамиз.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз ушбу нуфузли ташкилотнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун ва ҳамоҳанг экани эътироф этилгани барчамизни албатта хурсанд қилади.

Бу йил янги тахрирдаги Конституцияимизда илк бор ўқитувчи маккоми алоҳида белгилаб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилгани бежиз эмас. Чунки **жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса — мактабнинг обрўи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.**

Сўнгги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида мамлакатимизда кўплаб янги боғчалар, мактаб ва олийгоҳлар барпо этилмоқда. Таълим-тарбия ва илм-фан муассасаларининг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилмоқда.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағ-

батлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Охириги етти йилда мактабгача таълим бўйича қамров даражасини 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга, олийгоҳларимиз сонини 77 тадан 212 тага етказишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, энг муҳим ютуғимиздир.

Таълим-тарбия соҳасида қабул қилган дастурларимиз асосида кейинги вақтда 261 та янги ўрта таълим муассасасини қуриш, 2,5 мингта мактабни кенгайтириш ҳисобидан қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилганини таъкидлаш лозим.

Бу йил хориждан таклиф этилган 500 нафар чет тили мутахассиси мактабларимизда иш бошлади. Келгуси йилларда уларнинг сонини 3 баробар оширамиз, 10 ва 11-синфларда бир қатор фанларни ўқувчиларнинг тилнови асосида чуқурлаштириб ўқитишни йўлга қўямиз.

Таълим соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 2 баробар кўпайтирилади. Минг нафар тарбиячи ва ўқитувчилар хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юборилади. Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва тоифа бериш тизими ҳам такомиллаштирилади. Биз фарзандларимизни миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Қадрли дўстлар!  
Бугунги кунда мамлакатимизда мактаб таълимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланиб бормоқда. Хусусан, навоийлик Абдуқарим Саксонов, самарқандлик Кўёш Ҳақбердиев, Илхом Рустамов, бухоролик Ойбек Намозов, қашқадарёлик Нурбек Эргашев каби ўнлаб тадбиркорларимиз ўз ҳудудларида янги мактаблар қургани, таълим

даргоҳларини капитал реконструкция қилиб, замонавий асосда жиҳозлаб бергани, оҳангаронлик оқсоқол шoirимиз Барот ота Исроилов эса ҳовлисида кутубхона очиб, уни ўз ҳисобидан 10 мингта китоб билан таъминлаб, бу маърифат масканини қишлоқ ўқувчиларига совға қилгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Сафларни тобора кўпайиб бораётган мана шундай инсонлар сиймосида биз жадид болбаларимизнинг муносиб давомчиларини, уларнинг ушалаётган орзу ва интишларини, Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини кўра-миз.

Имкониятдан фойдаланиб, бундай фидойи, саховатли юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам юртдошлар!  
Тараққиётимиз дастури бўлмиш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида сизлар билан бирга таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича янги мақсад ва режаларни белгилаб олдик.

Ана шу устувор вазифаларни амалга ошириш, Ватанимизнинг тақдирини ва келажагини унчун масъулиятни зиммасига олишга қодир янги авлодни тарбиялаш барчамиздан катта куч-ғайрат, азму шижоат билан меҳнат қилишни талаб этади.

Мана шундай шарафли вазифани адо этишда мен сиз, муҳтарам устоз ва мураббийларга ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни яна бир бор изҳор этиб, барчангизга сизга-саломатлик, бахту саодат, олийжаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хондонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, соҳада туб ислохотлар самарасини ошириш, ўқув-тарбия жараёнларига миллий ва илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчи ва талаба ёшларига илим-фан асослари, замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган етуқ ва баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги катта хизматлари, фарзандларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий ўнвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

#### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий ўнвони билан

**Ачилов Дўсмурот Тошмуратович** — Кармана туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти  
**Абдуллаева Дилбар Ахмадовна** — Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий ўнвони билан

**Атажонов Озод Арткивич** — Хазорасп туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти  
**Петрова Наталья Николаевна** — Каттақўрғон шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактаби директори, Самарқанд вилояти

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий ўнвони билан

**Содиқов Қосимжон Позилович** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедраси профессори  
**Эштаев Анвар Курганович** — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг гимнастика назарияси ва услубияти кафедраси мудири

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

29 сентябрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисининг Олий Мажлиси Раиси Танзила Норбоева олиб борди.  
Ялпи мажлиси Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси

орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.  
Сенаторлар томонидан дастлаб "Педагогнинг макрми тўғрисида"ги қонун сенаторларнинг қизгин муҳокама қилини сабаб бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КўРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

**«Фидокорона хизматлари учун»**

**ордени билан**

**Шадманов Алишер Каюмович** — Тошкент тиббиёт академияси ректери

**«Меҳнат шухрати»**

**ордени билан**

**Абдиев Эгамшукор** — Косон туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Абсаломова Муҳаббат Қахрамоновна** — Зарбдор туманидаги 25-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ахмадҷонов Хасанбой Мирҳақимович** — Пахтаобод туманидаги 21-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг немис тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Зиёева Адолат Нурматовна** — Юқори Чирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

**Исраилов Баҳриддин Мухаммадиевич** — Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Урунбоев Шухрат Миножидинович** — Фаргона туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

**Шарипова Муборак Мирзаҷононовна** — Исхонқон Иброт номидаги ижод мактабининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**«Дўстлик» ордени билан**

**Абдуназаров Ақмал Раҳимович** — Тайлоқ туманидаги 1-касб-хунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Абилова Замира Максетбаевна** — Нукус шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аллаберганова Феруза Сапарбаевна** — Кўшкўпир туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Асроров Исак Урозбоевич** — Сардоба туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ережелова Алия Нурбердиевна** — Томди туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Исматова Лаофат Убайдуллоевна** — Сароисиё туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Камалов Амангелди Базарбаевич** — Нукус давлат педагогика институтининг физика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каримов Маджит Маликович** — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги директори

**Ким Наталья Константиновна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Куланов Данабай Бурханович** — Фаллорол туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Кудратов Юсуп Холмирзаевич** — Кўкдала туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Муродова Матлубоно Махаммадҷононовна** — Фаргона вилояти «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи тарбиячиси

**Набокина Алла Владимировна** — Яқкасарой туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Нишонов Додонишон Хомидҷонович** — Сўх туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

**Одинова Наталья Юрьевна** — Яшнобод туманидаги 204-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Перматова Наиля Рифқатовна** — Жарқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Раҳимова Дилфуза Нигматовна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг менежмент назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

**Таджибаев Нозим Ҳақимҷанович** — Учқўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тўйчиев Абдурауф Шаробидинович** — Асака туманидаги 24-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ҳафизов Алишер Раҳимович** — Бухоро давлат тиббиёт институти академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Ўсупова Офелия Юнусовна** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус фортепиано кафедраси профессори

**II даражали «Соғлом авлод учун»**

**ордени билан**

**Абдурахмонова Моҳирахон Ортиқовна** — Қўқон шаҳридаги касб-хунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Фаргона вилояти

**Алиев Райимжон** — Андижон давлат университетининг физика кафедраси профессори, Андижон вилояти

**Ахмедова Масуда Хайдаровна** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг торли чолғулар бўлими махсус фан ўқитувчиси

**Жуманазаров Умурызак Абдуразақович** — Жиззах давлат педагогика университетининг бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси профессори, Жиззах вилояти

**Кенжаева Замира Нормаҳмадовна** — Ургут туманидаги 87-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Киличов Қодир Бобақуллович** — Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кучмурадова Барнаа Эрназаровна** — Мирзаобод туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Матякубова Зулхумор Адамбаевна** — Учтепа туманидаги 81-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мухамедова Мукамбар Джуроевна** — Тошкент педиагрия тиббиёт институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

**Нуруллоева Шоира Кушназаровна** — Урганч давлат университетининг тарих кафедраси доценти, Хоразм вилояти

**Нушбақова Каромат Нормуродовна** — Навоий шаҳридаги 8-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Раҳимова Зулайхо Исмойиловна** — Урганч туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Рустамова Мавлюда Эркиновна** — Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг кафедра катта ўқитувчиси

**Саматов Нурилла Файзиллаевич** — Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган 1-касб-хунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Таджиев Мирхатам Миродилович** — Қйрабўй туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Тажимова Муҳаббат Абдуқадировна** — Беруний туманидаги 7-мактабгача таълим ташкилоти мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Темирова Гулноза Нематовна** — Нурота туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Тлеуова Дилбар Абдурахмоновна** — Мўйноқ туманидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Халмуродов Авлакул Косимович** — Шахрисабз туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори, Қашқадарё вилояти

**Хотамова Мунаввар Сайфуллоевна** — Бухоро шаҳридаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Шодиева Муҳаббат Аминовна** — Шеробод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг дугор синфи ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Шодмоналиева Мухайё Баходировна** — Избоскан туманидаги «Лидерлар мактаби» нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ўсупова Махпуза Нумановна** — Наманган муҳандислик-технология институтининг манзарали боғдорчилик ва кўчаломзорлаштириш кафедраси профессори, Наманган вилояти

**«Соғлом турмуш» медаллари билан**

**Ахадова Саноат Ҳабибовна** — Самарқанд туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бердиева Шаҳноза Эргашевна** — Шароф Рашидов туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ваҳабов Абдухамид** — Фаргона вилояти Чим устида хоккей федерацияси ижрочи директори, мураббийси

**Гаржиев Илмурат Халмухамметович** — Тўрткўл туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исмоилова Гулнора Самандаровна** — Андижон шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мадраҳимова Дилдора Мирзаабқаровна** — Ўзбекистон туманидаги «Янги умид ва ишонч» оилавий болалар уйи раҳбари, Фаргона вилояти

**Сагитов Мирхан Мирғазиян** — Тошкент шаҳридаги «Tashkent Runners» югурувчилар жамоати раҳбари

**Турсунова Мархабо Тешаевна** — Вобкент туманидаги 1-мактабгача таълим ташкилоти дефектолог, Бухоро вилояти

**Турсунова Мунаввар Эргашевна** — Китоб туманидаги «Звёздочки космоса» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**«Шухрат» медаллари билан**

**Абдрасулева Арзайим Сабирбаевна** — Қонликўл туманидаги 18-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдулакимова Дилжапон Болтаевна** — Термиз давлат университетининг академик лицейининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаев Сарвар Равашонович** — Тошкент шаҳридаги Инха университети лектори

**Абдуллаева Феруза Эркиновна** — Норин туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Алиёров Мансурхон Машрабович** — Поп туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Аширалиева Нилуфар Умнатқулновна** — Сирдарё туманидаги 71-ақли заиф болалар учун мактаб-интернатининг технология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Буряк Елена Владимировна** — Зарафшон шаҳридаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Гаепов Саиджон Уткирович** — Қарши шаҳридаги 18-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Гуломова Дилбархан Садиқовна** — Шахрихон туманидаги 44-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Дониёрова Азиза Махмудовна** — Гулистон шаҳридаги «Интеллект» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари, Сирдарё вилояти

**Душаева Замира Пирназаровна** — Жомбой туманидаги 17-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Жаҳонов Меҳриддин Жамолиевич** — Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ибрагимов Азизбек Исроилевич** — Олмалик шаҳридаги «Бухоро мактаби» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ким Виталий Николаевич** — Миробод туманидаги «Mates» нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Қаҳорова Шаҳноза Суннатиллаевна** — Навоий шаҳридаги Президент мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Қўлинов Незматжон Юлдашович** — Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Назиров Холимбой Нишонович** — Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Рамазонова Гулноз Халиловна** — Бухоро туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Раҳимов Хайтурат Усманович** — Чироқчи туманидаги 124-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Раҳимова Хурзода Камуловна** — Чирчиқ шаҳридаги касб-хунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Раҳматов Миროлм Тўхтаевич** — Гиждувон туманидаги «The school of mathematical academy» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Саттарова Холида Азодовна** — Хонқа туманидаги 1-касб-хунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти

**Соаталиева Матлуба Муродовна** — Чортоқ туманидаги 4-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Наманган вилояти

**Субонова Гузал Уктамовна** — Пахтакор саноат технологиялари техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Султанова Одина Ғопуровна** — Бекобод шаҳридаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Умарова Феруза Абидиновна** — Олмазор туманидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ўрмонов Незматилло Махамедович** — Хўжаобод туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хидоятова Нарғиза Садиқҷононовна** — Юнусобод туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Худайёров Ҳамза Муртазович** — Гулистон шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Холбутаева Муқаддас Маматмуратовна** — Жиззах политехника институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Холмирзаев Сардор Зафар ўғли** — Шўрчи туманидаги 125-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Холмурзаев Ҳаётжон Кирғизбаевич** — Фаргона туманидаги «Le Grayon» нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, кимё фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

**Худойназаров Илёс Абдурасулович** — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**Шаймарданова Гавҳар Эгамбердиевна** — Олтинсой туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Шеркулова Жамила Паяновна** — Қарши давлат университетининг микробиология ва биотехнология кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

**Шодмонова Шаира Саидовна** — Тошкент давлат педагогика университетининг педагогика кафедраси профессори

**Эшонҷонов Жамолдин Баҳромҷонович** — Чуст туманидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 28 сентябрь

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ГЕРМАНИЯ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи «Марказий Осиё — Германия» саммити доирасида Германия Федератив Республикаси Канцлери Олаф Шольц билан музокара ўтказди.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишбилармонлик соҳасидаги шериклини кенгайтириш, иқтисодий, инвестиция, транспорт, энергетика ва бошқа соҳаларда кооперацияни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон раҳбарининг жорий йил май ойидаги Берлинга ташрифи икки томонлама муносабатларни фаоллаштиришга кучли суръат бағишлагани таъкидланди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва саноат кооперацияси кўрсаткичлари икки баробар ўсди. Мамлакатимизда Германиянинг "Volkswagen", "MAN", "CLAAS", "Siemens", "Linde", "Aurubis", "Henkel", "Knauf", "Papenburg", "Deutsche Kabel" ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Тог-кон, энергетика, кимё, электротехника, тўқимачилик саноати ва инфратузилма бўйича янги лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари қўшма иқтисодий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, муқобил энергетикани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари бошқарувини рақамлаштириш, хомашини чуқур қайта ишлаш, молиявий воситаларни кенгайтириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, миграция ва кўчувчанлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор аниқ тақлифлари илгари сурди.

Маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш, фан ва таълим соҳаларида қўшма дастурларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Афғонистондаги ва-

зиятнинг ривожланиши нуктаи назаридан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцни расмий ташриф билан мамлакатимизга келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия иқтисодийёти Шарқий қўмитаси шафелигида ташкил этилган Иқтисодий форум ишида иштирок этди.

Тадбирда Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Германия томонидан алоҳида топшириқлар бўйича федерал вазир, Федерал Канцлер девони раҳбари Вольфганг Шмидт, Иқтисодий ва иқ



«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» АЖ:

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, МОЛИЯВИЙ МАДАДКОР



Бугун банклар ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Бунда, албатта, тижорат банклари томонидан корхона ва ташкилотларга, аҳолига намунали банк хизматлари тақдир этилаётгани ҳамда бу хизматлар орқали уларнинг фаолияти ривожланиб, иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ёрдам бераётгани таҳсинга лойиқ. Айни чоғда йирик sanoat корхоналаридан тортиб, кундалик турмушнинг ҳар бир жабҳасида тижорат банкларининг ҳиссаси салмоқли бўлаётди ва уларни иқтисодий ҳаётимизнинг қон томирларига қиёсласак, мақсада мувофиқ бўлади.

Фикримизни «Ўзмиллийбанк» АЖ мисолида давом эттирадиган бўлсак, бу молиявий муассаса бугун тадбиркорлар, турли соҳадаги ташкилот ва корхоналар ҳамда жисмоний шахсларнинг энг яқин молиявий мададкори сифатида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда. Айтиш жоизки, банкнинг молиявий кўмаги ва истиқболли лойиҳалари орқали мамлакатнинг барча ҳудудидида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони тобора кўпайиб, улар мамлакатимиз иқтисодий тараққиотини барқарор ривожлантириши, фуқароларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу йилнинг сентябрь ойида «Ўзмиллийбанк» АЖ Матбуот хизмати ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Хоразм вилояти бўйлаб ўтказилган пресс-турда воҳанинг иқтисодий инфраструктураси ва бу жараёнларда банк томонидан тақдир этилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишилди.

Саломатлик йўлида сарфланган сармоя

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 457 та хусусий тиббиёт муассасаси эл саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Бу даволаш масканларининг 374 таси амбулатор ва 83 таси стационар шaroитда, 4 таси кўшма корхона шаклида аҳолига 68 турдаги ихтисосликлар бўйича малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айтиш жоизки, бугун беморлар Хазорасп туманидаги «Marhabo Medical Centru» хусусий клиникаси фаолиятдан жуда мамнун. Бу клиника «Ўзмиллийбанк» АЖ билан доимий ҳамкорлик ўрнатган. Муассасани ишга тушириш лойиҳасининг умумий қиймати 4 млрд. 120 млн. сўм бўлиб, шундан 3,2 млрд. сўми «Ўзмиллийбанк» АЖ кредит маблағларини ташкил этади.

Клиникамизда нафақат стационар ёки амбулатор даволаниш учун, шунингдек, жарроҳлик амалиётлари ўтказиш учун шароит мавжуд, — дейди клиника шифокори Бахтиёр Отажонов. — Мақсадимиз мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётларини ўтказишни жорий этишга қаратилган бўлиб, айни пайтда малакали тиббиёт ходимлари бу ишга бошқоқш бўлмоқда. Бу йўналишда, шубҳасиз, банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланамиз ва навбатдаги лойиҳамизга замонавий тиббиёт аппаратларини харид қилишни режалаштирганмиз. Клиникамизда ўндан ортиқ йўналишларда (хирургия, урология, гинекология, стоматология, кардиология, терапевт ва бошқалар) беморларга тиббий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, УТТ (УЗИ) ва замонавий таллабларга жавоб берадиган лаборатория, стационар даволаниш учун 10 та ўрин мавжуд. Бу ерда 15 нафар шифокор аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатади.

Хазорасп тумани аҳолиси бундан бир неча йиллар илгари оддий лаборатория таҳлиллари учун ҳам вақт йўқотиб, вилоят марказига боришига тўғри келарди. Эндиликда шу ернинг ўзида барча лаборатория таҳлилларини топшириш, даволаниш учун кулай шароитлар муҳайё этилган. Албатта, банкнинг молиявий мадади ва тадбиркорнинг ҳиммати эвазига яратилган бу кулайликлардан аҳоли мамнун.

Клиникада фарзанд кутаётган оналар учун ҳам яхши шарт-шароитлар мавжуд, — дейди Шахло Зокирова. — Яқинда текширувлардан ўтганимда, врачлар камқонлигим учун даволанишим кераклигини тавсия этди. Клиникада стационар даволанганман.

Европа стандартидаги миллий маҳсулотлар

Ҳаёт тобора фаровонлашиб бораётган экан, энди одамлар одми уйларда эмас, кенг, баҳаво ва замонавий тураржойларда яшашни исташди. Шунга монанд равишда замонавий типда қурилаётган уйларга

мос дизайндаги қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш саноати ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

«Хазорасп» эркин иқтисодий зонасида жойлашган «New Best Style» масъулияти чекланган жамиятига қарашли заводда айнан уй-жой қуриётган аҳоли учун зарур бўлган замонавий дизайндаги гулгоғозлар ишлаб чиқарилаётди.

«Ўзмиллийбанк» АЖнинг Хазорасп банк хизматлари маркази билан доимий ҳамкорликда иш олиб бораётган мазкур тадбиркорлик субъекти 2019 йилда фаолиятини бошлаган эди. Бугунги кунда заводда 100 дан зиёд дизайндаги гулгоғозлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур лойиҳа учун «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан 37 млрд. 72 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 66 млрд. 765 млн. сўм бўлиб, шундан 3,2 млрд. сўми «Ўзмиллийбанк» АЖ кредит маблағларини ташкил этади.

Клиникамизда нафақат стационар ёки амбулатор даволаниш учун, шунингдек, жарроҳлик амалиётлари ўтказиш учун шароит мавжуд, — дейди клиника шифокори Бахтиёр Отажонов. — Мақсадимиз мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётларини ўтказишни жорий этишга қаратилган бўлиб, айни пайтда малакали тиббиёт ходимлари бу ишга бошқоқш бўлмоқда. Бу йўналишда, шубҳасиз, банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланамиз ва навбатдаги лойиҳамизга замонавий тиббиёт аппаратларини харид қилишни режалаштирганмиз. Клиникамизда ўндан ортиқ йўналишларда (хирургия, урология, гинекология, стоматология, кардиология, терапевт ва бошқалар) беморларга тиббий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, УТТ (УЗИ) ва замонавий таллабларга жавоб берадиган лаборатория, стационар даволаниш учун 10 та ўрин мавжуд. Бу ерда 15 нафар шифокор аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатади.

Хазорасп тумани аҳолиси бундан бир неча йиллар илгари оддий лаборатория таҳлиллари учун ҳам вақт йўқотиб, вилоят марказига боришига тўғри келарди. Эндиликда шу ернинг ўзида барча лаборатория таҳлилларини топшириш, даволаниш учун кулай шароитлар муҳайё этилган. Албатта, банкнинг молиявий мадади ва тадбиркорнинг ҳиммати эвазига яратилган бу кулайликлардан аҳоли мамнун.

Клиникада фарзанд кутаётган оналар учун ҳам яхши шарт-шароитлар мавжуд, — дейди Шахло Зокирова. — Яқинда текширувлардан ўтганимда, врачлар камқонлигим учун даволанишим кераклигини тавсия этди. Клиникада стационар даволанганман.

Оилавий корхонанинг оламшумул натижалари

Хоразм вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантиришда «Ўзмиллийбанк» АЖнинг ҳиссаси катта бўлаётганини Урганч шаҳридаги «Zarif Nurulla» оилавий корхонаси мисолида ҳам аққол кузатиш мумкин.

Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган мазкур оилавий корхона банкнинг ишончли мижозларидан саналади. 2015 йилда ажратилган биринчи кредит маблағидан мақсадли фойдаланганча, фаолияти ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун яна 800 млн. сўм кредит олди. Умумий ҳисобда «Ўзмиллийбанк» АЖнинг 1,5 млрд. сўмлик кредит маблағларидан фойдаланди. Ҳозирда ушбу маблағлар туфайли 30 та янги иш ўрни очилди.

Айни пайтда тадбиркорлик субъектида аҳолига савдо-сотик, ав-

томобилларга хизмат кўрсатиш шохчаси, дорихона, ўқув маркази, мебель ишлаб чиқариш цехи орқали намунали хизмат кўрсатилаётди. Корхона келгусида фаолиятини янада кенгайтириб, замонавий типдаги меҳмонхона барпо этишни мўлжалламоқда.

Бошида савдо-сотикдан бошланган фаолиятимиз, секин-аста банкнинг молиявий кўмаги билан кенгайди, — дейди корхона раҳбари Баҳром Нуриллаев. — Аҳоли талабидан келиб чиқиб, дорихона, автомобилларни ювиш шохчаси

мурдид. Кейинроқ бу хизмат тармоғи ривожлантирилди. Мижозларимизнинг эҳтиёжларини инобатга олиб автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни замонавий услубда безаш хизматини йўлга қўйдик.

Бундан ташқари, бинонинг иккинчи қаватида мебель салонини ташкил этдик. Келгуси режа — ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва хизматлар турини кўпайтиришдан иборат. Бу эса янги иш ўринларини очишга замин яратади.

Хазорасп банк хизматлари маркази фаолиятига назар

«Ўзмиллийбанк» АЖ Хазорасп банк хизматлари маркази 1997 йил сентябрь ойида 16 нафар ходим билан фаолиятини бошлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб 34 нафар етук мутахассис банк мижозларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Мазкур марказ томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан «Хазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидида йирик ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари, умумий оқватланмиш масканлари ташкил топди ва «Янги Ўзбекистон» массивида замонавий кўп қаватли тураржой бинолари барпо қилинди. 2023 йилда тармоқлар бўйича таҳлил этилганда, саноат соҳасида 42,2 млрд. сўмлик 5 та лойиҳа, қишлоқ хўжалигида 21,2 млрд. сўмлик 24 та лойиҳа, қурилиш йўналишида 7,8 млрд. сўмлик 5 та лойиҳа, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 49,2 млрд. сўмлик 45 та лойиҳа амалга оширилган.

Эътиборлиси, ушбу лойиҳаларда иштирок этган тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажрати-

лиши натижасида 2 мингга яқин янги иш ўринлари очилган.

Марказда 44,7 мингга мижозга хизмат кўрсатилади. Шундан 43,3 мингтаси жисмоний шахс ва 1,4 мингтаси юридик шахс ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг жами депозит қўйилмалари 38,7 млрд. сўмни ташкил этади. Тўлов пластик карточкаларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 4 та банкомат, 1 та инфокиоска, 621 савдо терминали дислокация қилинган. Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қулайликлар яратиш мақсадида 24/7 тартибда ишловчи шохобча



Хазорасп БХМ фаолияти юзасидан ўзларини қизқирган саволларга мутасаддилардан керакли маълумотларни олди.

«Ўзмиллийбанк» АЖ хизмат кўрсатиш тармоғини кўллаб-қувватлашда ишбилармонлар учун асосий молиявий ҳамкор бўлиб келмоқда. Бугунги кунда Хазорасп туманида хизматлар йўналиши бўйича 479 тадан зиёд корхоналар фаолият олиб бораётди. Таҳлилларга эътибор қаратсак, вилоят бўйича сервис тармоғида 14,3 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар, шундан 13,6 мингга яқин кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилган.

Пресс-тур давомида журналистлар Хазорасп БХМ фаолияти юзасидан ўзларини қизқирган саволларга мутасаддилардан керакли маълумотларни олди.

Етти иқлимга довруғи кетган мажмуа

Юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва орасиётиқлари ҳар доим Шарқу Фарбни ҳайратга солиб келган. Айниқса, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари қадимийлиги, ўзига хослиги билан хорижлик сайёҳларни мафтун этади. Таҳлилчилар фик-



«Нуриллабой» тарихий мажмуасига ўтган йили ташриф буорган сайёҳлар сони 14,5 мингдан кўпроқни ташкил этиб, 2023 йилда улар сонини ўтган йилдагига нисбатан икки баробар ошириш мақсад қилинган.

Халқаро тажрибадан маълумки, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишда меҳмонхона ҳўжалиги муҳим ўрин тутди. Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида ихчам меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари тизимини ривожлантириш кўзда тутилган. 2014 йилда вилоятда атиги 39 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 60 тадан ошди.

Бир вақтнинг ўзида 160 нафар меҳмонга хизмат кўрсатадиган «Фаровон Хива» меҳмонхонаси ҳам бугун ҳудудга ташриф буорадиган сайёҳларнинг севимили гўшасига айланиб улгурди. Сабаби, Европа стандартлари асосида фаолият олиб борадиган меҳмонхонада хизматлар тури ва сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Меҳмонхона биносининг ташқи ва ички қўриниши, хоналарининг ҳар бир майда деталига хорижлик малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган. Хоналарнинг умумий сони 106 та бўлиб, улардан 6 таси давлат раҳбарлари ва бошқа юқори мартабали меҳмонларни қуттиш учун мўлжалланган. Меҳмонхонада бассейн, фитнес-зал, ресторонлар ва турли тадбирларни ўтказиш учун 10 та конференция зали мавжуд.

Меҳмонхонада жами 168 нафар ишчи-ҳодим фаолият олиб боради. Уларнинг деярли барчаси ўзбек, рус ва хориж тилларида бемалол гаплаша олади. Бу эса мазкур муассасанинг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Мақсадимиз сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш орқали туризмни ривожлантиришга ҳисса қўйишдан иборат, — дейди «Фаровон Хива» меҳмонхонаси иш бошқарувчиси Лола Мирзаева. — Аёнки, Хоразмга келадиган сайёҳ меҳмонхонаси эмас, аксинча, тарихий обидаларимизни томоша қилиш учун келади. Аммо меҳмонхонанинг қулайлиги, хизмат кўрсатиш сифати уларнинг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурини шакллантиради. Демак, меҳмонхона хизматининг яхши йўлга қўйилиши юртимизга келадиган туристлар оқимига таъсир кўрсатади қолмайди. Рақамларга мурожаат қилсак, меҳмонхона иш бошлаганидан то 2022 йил якунига қадар 2 минг нафар хорижлик сайёҳга хизмат кўрсатган бўлсак, жорий йилнинг шу даврига қадар 7 мингдан ортиқ туристларни қутиб олдик. Қўриниб турибдики, туристларнинг Ўзбекистонга, қолаверса, Хивага бўлган қизиқиши тобора ошиб бормоқда.

Пресс-тур доирасида мамлакатимизнинг етакчи ОАВ ходимлари Хива шаҳридаги етти иқлимга довруғи кетган тарихий обидаларни зиёрат қилди, вилоятда туризмни ривожлантиришда «Ўзмиллийбанк» АЖ молиявий ҳамкорлиги ўзининг ижобий самарасини бераётганига гувоҳ бўлди.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»). Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақиқатли маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.55 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6